



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

2021 yil « 21 » iyun

№ 385

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази фаолиятини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ–4688-сон қарорига асосан бадий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ҳамда музейшунослик йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ–4688-сон қарори билан Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази ташқил этилганлиги ва унинг фаолияти 2022 йил 1 январдан бошланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони 12 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Бадий таълим йўналишларида мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги дипломнинг давлат намунаси 2-иловага мувофиқ;

Бадий таълим йўналишларида мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш ҳақидаги сертификатнинг давлат намунаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Бадий академияси раисига, зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.























2. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 5-сон, 39-модда) билан тасдиқланган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомнинг 54-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Бадий таълим (тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ҳамда музейшунослик) йўналишларида мутахассислик фанлари бўйича педагог ва мутахассис кадрлар – Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш марказида режа асосида бепул малака оширадилар”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги 9-сон қарорида:

а) 3-бандга қуйидаги таҳрирдаги “в” кичик банд қўшилсин:

“в) Бадий таълим (тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ҳамда музейшунослик) йўналишларида мутахассислик фанлари бўйича педагог ва мутахассис кадрлар – Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш марказида режа асосида бепул малака оширадилар”;

б) 3-илова (Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ихтисослаштирилган санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар тўғрисидаги низом)нинг 23-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“мутахассислик фанлари бўйича педагог ходимлар – Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш марказида, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида режа асосида бепул малака оширадилар”.

